

РАСМИЙ МУНОСАБАТ



Олтинсой тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати томонидан ижтимоий тармоқлардаги “Оқсоқол ўз қишлоқдошларини “исқиртлар” деб атади. Ёши улуг одамга шу ярашадими?” номланган танқидий видеомурожаати юзасидан қуйидагиларни аниқлади:

1. Ушбу ҳолат тумандаги Экраз маҳалласида яшовчи Ш Э томонидан маҳалладаги ташаббусли бюджет бўйича ўтказилган йиғилишда айтилган гап бўлиб, маҳалладошларига ҳаракатга келишлари учун айтилган.
2. Ушбу содир бўлган ҳолат бўйича маҳаллада алоҳида йиғилиш ўтказилиб, жамоат жойларида ҳамда қишлоқдошлари орасида қўпол сўзлар айтилмаслиги, ҳеч кимнинг шахсиятига тегмаслик бўйича тушунтириш ишлари ўтказилган

Олтинсой тумани ҳокимлиги томонидан маҳаллаларда фуқаролар иштирокида йиғилишларни ўтказиш, ўзини тутиш қоидаларига риоя қилишлик бўйича алоҳида назорат ўрнатилганлигини маълум қилади.